

Адигей ва Краснодар ўлкасидаги масжидларда жума намозига рухсат берилди



14:30 / 20.08.2021 1274

20 август куни Адигей ва Краснодар ўлкасидаги масжидларда коронавирус сабаб карантин чекловлари олиб ташланди. Аввалроқ, ушбу чекловлар 23 июль куни коронавирус билан касалланиш ҳолатлари кўпайгани сабабли жорий қилинган эди.

Адигей ва Кубан масжидларида ҳамда ибодатхоналарида жума намози қайта бошланади, - дейди Муслмонлар диний бошқармаси.

Таъкидланишича, тадбирлар давомида карантин қоидаларига риоя қилиш, коронавируснинг олдини олиш бўйича тавсияларга амал қилиш зарур.